

СИНОВЛИ ЙИЛНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонларига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

28 декабрь куни Қўқсаройда мукофотларни топшириш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбари мукофотланганларни табриклаб, уларга ўзининг юксак эҳтиромини билдирди.

— Биз кейинги йилларда яхши аънани йўлга қўйиб, юртдошларимизга мукофотларни байрам кунинда топшириб келаётган эдик. Афсуски, бу йилги пандемия шароитида одамларимизнинг соғлиғини асраш учун ушбу хайрли тадбирни бир оз кейинга суришга тўғри келди. Эъзуликнинг кечи йўқ, дейдилар. Насиб этган экан, мана бугун сизлар билан Янги йил байрами арафасида юзма-юз қўришиб, дийдорлашиб турибмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хаётда хурсандчилик билан турли синов ва қийинчиликлар ёнма-ён юради. Бу йил коронавирус пандемияси бутун инсоният бошига катта ташвишлар солди. Халқимиз бу касалликка қарши курашиш билан бирга, бошқа синовларга ҳам дуч келди. Бухоро ва Сирдарё вилоятларида қўрилмаган офатлар рўй берди.

— Эл-юртимиз бу муаммолар қаршида саросимага тушиб қолгани йўқ. Аксинча, қийинчиликлар бизни янада бирлаштирди, бир-биримизга меҳримиз ортди. Мураккаб вазиятга қарамайдан, кўпни кўрган, азму шижоатли халқимизнинг фидокорона меҳнати билан бу синовларни мардона енгиб ўтатимиз. Барака ҳамжihatлигида, деган гап ҳаётимизда яна бир бор ўз тасдиғини топди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларини қамайтириш бўйича кўраётган чора-тадбирларимиз ўз самарасини беряпти, — деди Президент.

Аҳоли соғлиғини асраш, иқтисо-

дийetni ривожлантириш ва бунёдкорлик ишлари жадал давом этаётгани таъкидланди. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари барпо этилмоқда. Биргина шу ойда Тошкент металлургия заводи, янги метро йўналиши ишга туширилди. Жорий йилда пойтахтимизда Болалар миллий тиббиёт маркази, Галаба боғи, Адиблар хийбони бунёд этилди. Барча вилоят ва туманларда замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприklar, янги-янги боғчалар, мактаблар, маданият ва санъат ҳамда спорт масканлари қад ростламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилмоқда. Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси тобора обод бўлиб бормоқда. Миришкор деҳқон ва фермерларимиз пахта, галла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирди.

— Биз бугунги натижаларга эришиш учун пандемия шароитида — гоёт мураккаб бир вазиятда иш олиб бордик, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бунинг учун 2-3 қарра кўпроқ меҳнат қилишга, изланиш, янги имконият ва ресурсларни қидириб топишга тўғри келди. Аввало, фидойи шифокорларимиз ўз жонини гаровга қўйиб, халқимиз соғлиғини асраш учун беқийс жасорат ва матонат кўрсатдилар. Бу борада Қуролли Кучлар, Миллий гвардия, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазириликлари мард ва жасур ходимларининг хизматларини алоҳида қадрлаймиз. Айни вақтда бунёдкор қурувчилар, саховатли тадбиркорлар, маҳалла фаоллари, муҳтарам нуронийларимиз, навқирон ёшларимиз, илм-фан, маданият ва спорт соҳаси

вакиллари эл-юртимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиқдилар. Ҳар қандай синовни бирдамлик билан енгиб ўтадиган халқимиз мана шундай оғир кунларда қудратли кучга айланди. Фурсатдан фойдаланиб, сабр-матонатли, заҳматқаш, олижаноб ва фидойи халқимизга, унинг буюк қаҳрамонлиги учун яна бир бор бош эгиб, таъзим қиламан.

— Дунёда инсон ўзини қачон бахтли деб билади? Буюклик нимада? Элга ҳалол, пок меҳнат қилиб, натижаси мана шундай мукофот бўлганда. Бу ерда ўтирганлар бугунги куннинг қаҳрамонлари, мардона халқимизнинг буюк вакиллари, — дея таъкидлади Президент.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, юртдошларимизнинг фидокорона хизматларини муносиб эътироф этиш мақсадида бу йил “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог” фахрий унвони, “Олий Даражали Дўстлик”, биринчи ва иккинчи даражали “Саломатлик” ҳамда “Фахрий мураббий” орденлари, “Соғлом турмуш” медали каби янги давлат мукофотлари таъсис этилди.

Бундан ташқари, “Меҳр-саховат” кўрак нишони жорий қилиниб, ижтимоий Ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшган қарийб 25 минг ватандошларимиз ушбу мукофот билан тақдирланди.

Айни кунларда жойларда юзлаб ҳамюртларимизга ана шу фахрий унвон, орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланган барча ватандошларимизга йиғилганлар номидан табрик йўлади.

Шундан сўнг мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Маълумки, Ўқитувчи ва мураббийлар байрами арафасида жадидчилик ҳаракати намояндalari — Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган эди.

Маросим аввалида ана шу мукофотлар маърифатпарвар боболаримизнинг невараларига топширилди. Бундай эҳтиром улуг аждодларимизнинг ўлмас мероси бугунги кунда ҳам қадрли эканидан, халқимизга беқийс маънавий куч бағишлаб келаётганидан далолат беради. Айни вақтда, эл-юртимизнинг миллий уйғониш ва тараққиётга интилиши барқарор эканини намоян этиди.

Шунингдек, тиббиёт, иқтисодиёт, фан, таълим, адабиёт ва бошқа соҳалар намояндalari, давлат ва жамоат ишлари фаолларига мукофотлар топширилди. Самарали фаолияти, ватанпарварлиги ва ташаббускорлиги билан ёшларга ибрат бўлаётгани учун Президент уларга миннатдорлик билдириб, эзгу тилақларини изҳор этди.

— Ҳаммамиз бугун яхши орзулар ва улуг мақсадлар билан, янги йил оstonасида турибмиз. Биз барчамиз аҳил ва ҳамжихат бўлиб, халқимизга садоқат билан меҳнат қилиб, янги Ўзбекистон пойдеворини яратётганимиз билан фахрланамиз. Дунёмиз тинч бўлсин, бағрикенг ва олижаноб халқимизини, жонажон Ватанимизни Аллоҳ таоло ҳаммизга ўз паноҳида асрасин, — дея сўзини якунлади Президент.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

— Ҳозиргина тарихий воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бир гуруҳ маърифатпарвар аждодларимиз қатори атоқли мураббий, буюк инсон Мунавварқори Абдурашидхоновга берилган юксак мукофотни Президентимиздан қабул қилиб олдим, — дейди адибнинг невараси Шоазим Миноваров. — Ушбу

«ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ» ХУДУДЛАРГА ЖЎНАТИЛДИ

Янги йил — кичкинтойлар учун унутилмас ва мўъжизакор байрам. Ҳар бир бола бу байрамда ўзига хос совға қутиши тайин. Улар учун энг катта тўхфа эса Президент совғаси.

Янги йил шукуҳи

Ҳар йилги аънаанага мувофиқ, бу йил ҳам Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровидан маҳрум бўлган болалар ҳамда ижтимоий Ҳимояга муҳтож oilalar фарзандлари учун Халқ таълими вазирилик томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 11 минг дона “Президент совғаси” тайёрланиб, ҳудудларга юборилди.

“Президент совғаси” таркибидан 20 турдаги ширинлик, 3 турдаги ўқув қуроллари, китоблар ва бошқа ашёлар ўрин олган.

— Болажонларга қўтилмаган тўхфа сифатида ҳар йили совғалар таркибини ўзгартириб борамиз, — дейди халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Бу йил

“Президент совғаси” таркибига совуқ кунларда ёнида иссиқ сув олиб юриши учун термос ва спортга ошно тутинсин деб, арғимчoқ қўшдик. Ўйлаёмизки, ўғул-қизлар учун бу ҳам ёқимли, ҳам фойдали бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан ҳозирланган совғалар ҳудудий ҳокимликлар иштирокида жорий йилнинг 29-30 декабрь кунлари етказиб берилади.

Эслатиб ўтамиз, 2020 йилги “Президент арчаси” тадбирлари COVID-19 пандемияси билан боғлиқ вазият инобатга олиниб, болалар соғлиғини асраш мақсадида карантин талабларига қатъий риоя этган ҳолда ташкил қилинади.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИ

одамларнинг муносиб турмуш кечиришига хизмат қилади

Жорий йил нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё аҳли учун синовли бўлди. Бу жараён ҳамон давом этаётди. Лекин шундай бўлса-да, юртимизда халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Одамларнинг муносиб турмуш кечиришига хизмат қилувчи ҳаётий лойиҳалар бирин-кетин рўёбга чиқарилмоқда.

Яқинда ишга туширилган Сергели ер усти метро линияси ана шундай катта ишлардан бири бўлди. Зеро, мазкур метронинг пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари учун аҳамияти жуда юқори. Чунки Тошкент йirik мегаполис шаҳарлар сирасига киради. Ушбу азим кентга ҳар куни қанчадан-қанча одам келиб-кетди. Бунда, табиийки, транспорт-коммуникация тармоқлари, хусусан, метро айлн мудаодир. Бундай фикрлар Сергели ер усти метро линииси ишга туширилиши жараёнида Президентимиз томонидан ҳам алоҳида қайд этилди.

Метро линияси қўрилишида иштирок этган мутахассислар ҳамда оддий йўловчилар фикрлари билан 3-саҳифада танишасиз.



ИСЛОХОТЛАР ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИГА ЯНГИЧА МАЗМУН БАҒИШЛАМОҚДА

Инсон учун ато этилган неъматлар ичида, шубҳасиз, энг улуг ва энг азизи эркинлик ҳамда озодликдир. Бойси бировга қарам ва хоҳиш-иродаси қимнингдир қўлида бўлган халқ ҳеч қачон мустақил ҳамда фаровон яшай олмайд.

Шу нуқтаи назардан, халқимиз бугун тарихий бир даврда яшамокда, десак, муболага бўлмайди. Зеро, юртдошларимиз тинч ва осойишта замонда, эрки ўз қўлида бўлган даврда улуг мақсадлар билан мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимиз асрлар давомида орзқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш йўлида бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда.

Айниқса, бугун мамлакатимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тез-тез тилга олинмоқдаки, бу истиклол аталмиш улуг неъмат туфайли кейинги йилларда Президентимиз бошчилигида халқимиз тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйгани, эришяётган залварли ютуқлари эътирофидир.



Дил сўзи

ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОР ЮКСАК МАРРАЛАРГА РАҒБАТЛАНТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги байрами арафасида ҳар хил соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз турли давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.

Жойларда ушбу мукофотлар тантанали равишда ўз эгаларига топширилмоқда. Мухбирларимиз ана шундай бахтга мушарраф бўлган юртдошларимизнинг дил сўзларини ёзиб олди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ МАМЛАКАТИМИЗ СИЁСИ ҲАЁТИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВОҚЕА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномаси **29 декабрь** куни соат **11:00** да бошланади.

Унда

- ✓ жорий йилда эришилган натижалар, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида бажарилган ишлар таҳлили;
- ✓ келгуси йилга ном берилиши;
- ✓ мамлакатимизни янада ривожлантиришга қаратилган энг муҳим вазифалар, ички ва ташқи сиёсатга доир устувор йўналишлар белгилаб олиниши қўтилмоқда.

Мурожаатнома 15 та телеканалда (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) жонли эфирда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида онлайн ёритиб борилади.

Manba: www.president.uz



ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОР ЮКСАК МАРРАЛАРГА РАҒБАТЛАНТИРАДИ



Бахтиёр АБДИКАМАЛОВ, Қорақалпоқ давлат университети физика кафедраси профессори, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” фахрий унвони соҳиби:

— Биламизки, қорақалпоқ имлосида рус ва ўзбек имлосидан ҳарфларнинг тузилиши жиҳатидан фарқланадиганлари бор. 1990 йилларда компьютерда қорақалпоқ имлоси ҳарфларини ёзишдаги муаммоларни кўриб, шунинг устида иш олиб борганман. Натижада компьютерлар учун қорақалпоқ тили имлосининг шрифтларини яратдик ва илмимиз махсули қарийб 20 йилдан ортиқроқ ушбу ҳудуддаги компьютерларда матн теришда кенг қўлланилди.

Давлатимиз томонидан илм-фанни ривожлантириш, ёшларга таълим беришдаги

қилган меҳнатларимиз юқори баҳоланмоқда. Истиқлолимиз байрами арафасида Президентимизнинг Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан тақдирланганим бунинг аққол ифодаси.

Ушбу юксак унвонни Президентимизнинг шахсан ўзларидан тантанали равишда қабул қилиб олишим қувончimgа қувонч қўшди. Ана шундай шукўли дамларда гарчи игна билан қудуқ қазишдек, дея таърифланган машаққатли иш билан шуғулланганимдан фахрландим.

Анвар САГИРОВ, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Хоразм филиали директори, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони соҳиби:

— Камтарона меҳнатимиз қадрланиб, давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ топилиганимиздан бениҳоя шодим. Инсон манфаатлари устувор аҳамият касб этган, барча ислохотлар фуқароларнинг ёруғ истиқболи учун хизмат қилаётган бу юртда ҳеч бир меҳнат рағбатсиз қолмаслигига яна бир бор амин бўлдим.

Ортимизда тиббиёт соҳаси, айниқса, унинг кардиология йўналиши изчил ривожланиб бормоқда. Жумладан, 2017 йилдан муассасамизда катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ерда замонавий поликлиника биноси ва “Меҳмонлар уйи” қурилди, кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Юракнинг тугма нуқсони ҳамда интервенцион кардиология бўлимлари ташкил қилинди. Шу тўғйаили амбулатор текширувлар учун ҳам, стационар шароитида даволаниш учун ҳам муружаатлар сони кескин ортди. Ушбу давр ичида филиалимиз-

да 3 мингдан ортиқ интервенцион амалиётлар, жумладан, коронар ва бошқа артерияларни стентлаш ўтказилди, юрак тугма нуқсонининг баъзи турларини транскатетер даволаш услублари ўзлаштирилди. Юрак клапани, юракнинг тугма нуқсонни бўйича жаррохлик амалиётлари сони 3 мартабгага ортди ва йилига 400 тага етди. Бу беморларнинг барчаси авваллари Тошкентга ёки чет элга юборилар эди.

2020 йил бутун инсоният, айниқса, тиббиёт ходимлари учун мислсиз қийинчиликлар ва синовлар йили бўлди. Президентимиз ташаббуси билан ой давом этган ҳамда Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган биринчи Ўзбекистон ёшлари форумининг якунида республика ёшлари давлатимиз раҳбари билан учрашишга муваффақ бўлишди.

Бу шунчаки учрашув бўлиб қолмай, ёшлар Президентга тўғридан-тўғри муружаат қилиб, ўзларини қийнаб келаётган муаммолар ечими бўйича таклифларини илгари сурди ва баъзи масалаларда амалий қўмак сўрадилар. Давлат раҳбари томонидан ушбу масалалар шу жойининг ўзида ҳал этилиб, вазирлик ва идора раҳбарларига тегишли топшириқлар ва кўрсатмалар берилди.

Ушбу тарихий тадбир давомида Президентимиз томонидан эндиликда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор имтиёз ва имкониятлар тақдим этилиши таъкидланди.

Жумладан, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшга 4 йиллик Президент стипендияси берилиди, икки ва ундан ортиқ фарзанди ОТМда контрактда ўқиётган оилаларга имтиёзли таълим кредити ажратилади, “IELTS”, “TOEFL”, “GMAT” ва “SAT” каби имтиҳонларда максимум баллнинг камида 75 фоизини тўплаган ёшларнинг имтиҳон харажатлари тўлиқ қопланади.

Бундан ташқари, ишсиз ёшлар тадбиркорларга бириктирилиши, уларни ишга олган ишбилармонларга эса имтиёзлар берилиши мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 100 миллион доллар ажратилиши,

Ёшлар билан ишлаш Президентдан тортиб вазиргача, ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача — ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан.

Акс садо



ПРЕЗИДЕНТ ИШОНЧИ УЛКАН МАҚСАДЛАР САРИ ИНТИЛИШГА УНДАЙДИ

Мамлакатимизда илк бор ўтказилган ёшлар форуми Ўзбекистон ёшларининг нафақат чинакам байрами, балки тарихий воқелик бўлгани билан ҳам диққатга сазовордир. Тошкент шаҳрида деярли бир ой давом этган ҳамда Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган биринчи Ўзбекистон ёшлари форумининг якунида республика ёшлари давлатимиз раҳбари билан учрашишга муваффақ бўлишди.

Бу шунчаки учрашув бўлиб қолмай, ёшлар Президентга тўғридан-тўғри муружаат қилиб, ўзларини қийнаб келаётган муаммолар ечими бўйича таклифларини илгари сурди ва баъзи масалаларда амалий қўмак сўрадилар. Давлат раҳбари томонидан ушбу масалалар шу жойининг ўзида ҳал этилиб, вазирлик ва идора раҳбарларига тегишли топшириқлар ва кўрсатмалар берилди.

Ушбу тарихий тадбир давомида Президентимиз томонидан эндиликда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор имтиёз ва имкониятлар тақдим этилиши таъкидланди.

Жумладан, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонида энг

юқори балл тўплаган 200 нафар ёшга 4 йиллик Президент стипендияси берилиди, икки ва ундан ортиқ фарзанди ОТМда контрактда ўқиётган оилаларга имтиёзли таълим кредити ажратилади, “IELTS”, “TOEFL”, “GMAT” ва “SAT” каби имтиҳонларда максимум баллнинг камида 75 фоизини тўплаган ёшларнинг имтиҳон харажатлари тўлиқ қопланади.

Бундан ташқари, ишсиз ёшлар тадбиркорларга бириктирилиши, уларни ишга олган ишбилармонларга эса имтиёзлар берилиши мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 100 миллион доллар ажратилиши,

Ёшлар кичик саноат зоналари ташкил этилиши каби янгиликлар юрти-мизда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз.

Бу каби имтиёз ва имкониятлар барча ёшлар қатори мени ҳам руҳлантириб юборди.

Умуман, бу том маънода ёшлар ҳаётида ўзгаришга сабаб бўладиган, уларни ҳозирги глобал замонда ўз ҳаётий позициясига эга бўлишга ундайдиган ҳамда йиғит-қизлар муаммоларини ҳал қиладиган учрашув бўлди.

Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун тенгдошларимиз, шу жумладан, Сенат хузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари номидан давлатимиз раҳбарига ташаккур билдирамиз.

Умидали ИБРАГИМОВ, Олий Мажлис Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.

УЧИНЧИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ ЛОКОМОТИВЛАРИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ҳаётий ташаббуслар дунё ҳамжамияти низоғи яна бир бор Ўзбекистонга қаратилишига ундаётир. Зотан, ўтган йиллар давомида жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасига таянган Ўзбекистон бугун ёшларни рағбатлантириш борасида ўз йўли ва ташаббуслари орқали дунё ҳамжамиятига ўрناқ ҳамда намуна бўлаётгани айни ҳақиқат.

Яқинда бўлиб ўтган Ёшлар форуми бу борада амалга оширилаётган ишларнинг амалий исботи бўлди, десак, муболага бўлмайди. Мазкур форум нафақат ёшларни, балки бутун ўзбекистонликларни руҳлантириб юборди. Айниқса, Президентимиз муружати, ёшларни Ўзбекистоннинг энг катта ва нобб бойлиги, деб қадрлайман дея ишонч билдириши ҳаммамизга гурур билан бирга, улкан масъулият ҳам юкларди.

Давлатимиз раҳбари тадбир давомида ёшлар ҳаётини янада яхшилаш, улар ўз иқтидорини тўлақонли намоийш этишлари учун барча имкониятни яратиб бериш борасида амалга ошириладиган режаларни белгилаб, шу билан бирга, бу ташаббусларни ўз вақтида ҳаётга татибқ этиш учун вилоят, туман ва ша-

ҳарлардаги сектор раҳбарларига тегишли топшириқларни берди. Бунда, айниқса, ёшларимиз учун ибрат ва намуна бўлувчи зиёлиларимиз ва кенг жамоатчиликнинг ўрнига алоҳида урғу берилди.

Шунингдек, бугун мамлакатимиздаги ёшлар овозини тинглаш ва уларнинг тақлиф-ташаббусларини тўлиқ ўрганиб чиқиш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигига уюшмаган ёшлар қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи “Ёшлар муружати” электрон платформасини яратиш топшириғи берилди.

Учрашувда қорақалпоғистонлик ёш ижодкор Гулсанем Уразбаева-

нинг ижодда эришган ютуқлари эътироф этилиб, давлатимиз раҳбари томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилиши йиғилишда қатнашган ёшларга мисли қанот бағишлади, десак, муболага эмас. Зеро, бу каби рағбат ва эътибор ёшларни янада кўпроқ ўқишга, илм олишга қорлайди, албатта. Юртбошимиз таъкидлаганидек, илм сувдада чўкмайди, ўтда ёнмайди-ган ва ҳеч қачон тортиб олинмайди-ган ҳазинадир.

Албатта, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириш, улар билан доимий мулоқотда бўлиб, орзу-истакларининг рўёида камарбаста бўлиш биз, халқ вакилларинг фаолияти-миздаги энг устувор вазифалардан. Эндиликда ўз ҳудудимиздаги ёшлар муаммолари билан ишлашда яратилган янги тизим — маҳаллабай фаолият олиб борамиз ва ишонамизки, Ўзбекистон ёшлари учинчи Уйғониш даврининг асосий харақатлантирувчи қучига айланади.

Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Кун сайин ўзгараётган, тараққий топаётган янги Ўзбекистоннинг ютуқларига, тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаш инсон учун олий саодат. Бундай эзгу амалларнинг иштирокчилари, ташаббускорлари юртимизда доим рағбат топиб келган, халқ уларни эъзозлаган, самарали меҳнат қилаётган соҳа вакиллари, фидойи кишилар ҳар доим қўллаб-қувватланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан мамлакатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган бир гуруҳ депутатларга давлат мукофотларини топириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов бугунги кунда Харақатлар стратегияси доирасида барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, ушбу жараёнда қуйи палата депутатларининг ҳам фаол иштироки турли йўналишларда ва ҳар қуни сезилиб турга-

ни, бу эса ислохотларни янада чуқурлаштиришда, давлатимизнинг ҳар томонлама тараққий этиб, жаҳон майдонидаги нуфузи янада ошишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Бугун ислохотларнинг янги босқичида парламент, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жамият ҳаётидagi ўрни ва роли тубдан ўзгарди. Унинг фаолияти янги мазмун билан бойиди, депутатлик корпусининг фаоллиги ошди, халқимиз манфаатларини таъминлашдаги масъулияти қучайди. Булар мамлакат Президентининг давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштиришга йўналтирилган демократик

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

2020 йил 29 декабрь

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

Мамлакатимизда биринчи бор ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумида Президент Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ўзи иштирок этиб, эртанги кунимиз эгалари билан дилдан, самимий мулоқот қилишининг тағ-замирда жуда катта мазмун-моҳият мужассам. Форумда сўзланган нутқ ёшларимизга мотивация берди, уларни келажакка ва ўзига бўлган ишончини яна бир қарра оширди, чунки мазкур дастуриламал маърузада ҳеч бир жиҳат эътибордан четда қолмади.

Президент яна бир бор учинчи Ренессанс ҳақида, буюқ аждодларимизга муносиб авлод бўлиш ҳақида фикр билдирар экан, “Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари, деб ҳисоблаймиз”, деди.

Ҳақиқатан ҳам, буюқ аждодларимиз тарихда иккита Ренессансга асос солиб, илм-фан соҳасида улкан кашфиётлар қилишган. Улуғ мутофақирларимиз асарларидан асарлар давомида Фарбнинг нуфузли ўқув даргоҳларида ўқув қўланмаси сифатида фойдаланилган, бугун ҳам фойдаланиб келинмоқда. Мазкур асарлар Европада қўллаб-қанлаш ривожига хизмат қилган, кейинчалик йирик кашфиётларга ҳам асос бўлган.

Президентимиз шунинг учун ҳам ёшларимизни руҳлантириб, улардан аждодларимизга муносиб авлод бўлишларини, чет эллик тенгқурларидан ҳеч бир жабҳада ортада қолмасликларини, илм-фан чўққиларини забт этиб, билим ва салоҳиятларини юртимиз тараққиёти йўлида сафарбар этишини, учинчи Ренессансга асос солиб, пировардида мамлакатимизнинг дунёнинг ривожланган давлатлари сафидан ўрин эгаллашида ўз ҳиссасларини қўшилишни сўрамоқда. Бу йўлда нима керак бўлса, қандай шарт-шароит ва имкониятлар зарур бўлса, зиёди билан муҳайё этиб берилишини таъкидламоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёшлар масаласида қўллаб-қайриш ишлар амалга оширилмоқда. Бунини малада кўряпмиз? Энг аввало, Харақатлар стратегияси асосида ҳар йили қабул қилинаётган Давлат дастурларида ёшлар манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, таълим сифатини оширишга қаратилган қўллаб-қура-тадбирларнинг илгари суриллаётгани ҳамда уларнинг ихроси изчиллигини мала-наётганини мисол қилиш мумкин.

Давлат раҳбари ташаббуси билан жорий йилда Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятининг йўлга қўйилгани ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётдаги иштирокчини кенгайтирибгина қолмай, уларни ҳаётда ўз ўринларини топишларида янги имкониятлар эшигини очмоқда. Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенат хузурида ёшлар парламентининг ташкил этилгани, ёш парламентарийлар ўзлари истикомат қиладиган ҳудуд ёшларига тегишли муаммоларни ўрганиб, сабабларини аниқлаб, долзарб масалаларни тенгдошлари ўртасида муҳокама қилиш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш, ҳаётий муаммоларини парламент минбарига олиб чиқиш, қонун ижодкорлигида ёшларнинг иштирокини таъминлаш, бўлғуси парламент аъзоларини ҳамда сиёсатчиларни тайёрлаш, ўғил-қизларни улкан мақсад ва аниқ лойиҳаларга йўналтириб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳақида гапирадиган бўлсак, соҳада мутлақо янги тизим — Президент ва ижод мактаблари, математика, химия, биология фанлари бўйича махсус мактаблар ташкил этилганини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Шунингдек, ёшларимизга IT технологияларини чуқур ўргатадиган таълим масканларининг сони кун сайин қўлайиб бормоқда. Бундай илм даргоҳларини ташкил этишдан мақсад — ёшларни замонавий талаблар, илгор хорижий тажрибалар асосида ўқитиш, шу орқали рақобатбардош кадрларни етиштиришда иборат.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳам Харақатлар стратегиясида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, айни жараёндарда фаол бўлишга интилмоқда. Ҳар йилиги Давлат дастурларига ёшлар масаласи, таълим соҳасини ёшлар этишга оид таклифларни илгари суриб келляпти. Давлат дастурларининг бошқа йўналишлари қатори, мазкур йўналишда белгиланган вазифалар қандай бажарилаётганини мониторинг қилиб бормоқда. Қолаверса, марказ томонидан илгор хорижий олий таълим муассасалари, таълим соҳаси мутахассислари, фаол ёшлар иштирокида турли халқаро анжуманлар ташкил этилмоқда. Уларда ўзаро фикр алмашилиш, илгор хорижий тажриба ўрганилмоқда, улардан келиб чиқиб, тақлиф-таъсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли идораларга тақдим этиб боришмоқда.

Қисқача айтганда, бундан буён ҳам ёшлар билан ишлаш фаолиятимизнинг энг асосий устувор йўналиши бўлиб қолаверади.

Элдор ТУЯКОВ, «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори.

кенгайтиради. Тизим орқали сайловчи депутатнинг қундалик ишини кузатиб бориш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва улар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлади. Мухтасар айтганда, “Парламент халқ иродасининг ҳақиқий кўзгуси бўлиши зарур” деган улуғвор гоғнинг амалдаги ифодаси таъминланади.

Тадбирда Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тақдирланган бир гуруҳ депутатларга — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Шириновага “Шухрат” медали, Улуғбек Вафоев, Хайрилло Ғафоров, Гулшана Худояровага “Содиқ хизматлари учун” медали тантанали равишда топширилди.

Тақдирланган депутатлар амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳуқуқий асослар востисида мустаҳкамлаб борилаётганлигини, бу эса эзгу мақсадларга хизмат қилишини эътироф этиб, юксак мукофот — эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

«ҚУШБЕГИ» ФОРМАТИ — ЕНГИЛЛИК ВА ҚУЛАЙЛИК ГАРОВИ

Узоқ муддатли истиқболдаги рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида «Ипотека-банк» АТБ мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги форматида ўтди. Модернизация қилинган офислар лойиҳаси мижозлар билан мулоқот даражасини ўзгартириш ва уларнинг молиявий саводхонлигини юксалтиришга, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш бўйича маслаҳат беришга, аҳоли эҳтиёжларини ўз вақтида ҳамда тез фурсатда қониқтириш ва банк бренди танилишини оширишга қаратилган.

Молия муассасаларида

«Ипотека-банк» АТБнинг «Қушбеги» янги банк хизматлари маркази стандарт банк офисидан бирмунча фаркланади. Янги банк хизматлари марказларини очиш лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнига Халқаро молия корпорацияси экспертлари, хорижий маслаҳатчилар ва банкнинг турли бўлимларидан ташаббускор гуруҳлар жалб қилинди. Эндиликда банкда аънавий VIP-бўлими эмас, балки мижозларнинг турли сегментлари учун зарур хизматларни уларга қулай шароитларда олиш мумкин бўлган молиявий маслаҳатлар марказини яратишга қарор қилинди.



Бундай бўлимлар тармоғини ривожлантириш, авваламбор, аҳолига яқин бўлиш, мижозлар ҳаётида фаол иштирок этиш, бизнес ва шахсий молиявий масалаларда одамларга зарур маслаҳатлар бериб, яқиндан ёрдам кўрсатиш каби мақсадларни ўз ичига олади. Бу, албатта, мижозлар манфаатига хизмат қилади ва улар муваффақиятини бир қисмига айланади.

Мазкур лойиҳа хорижий банклар тажрибасига асосланган. Мижозларга хизмат кўрсатиш жойларини махсус ҳудудларга акратиб таъминлашнинг ўзгартириш ва уларни музокаралар ўтказиладиган жойга айлантириш бўйича жуда кўп ишлар амалга оширилди. Бунда банк жамоаси мижозларга хизмат кўрсатиш учун энг қулай шароитларни яратишга ҳаракат қилди.

Трансформация жараёнида банк мижознинг талабига жавоб берадиган банк маҳсулотларини яратди. Янги йўналиш ўтган асрдаги банк ишидан тубдан фарқ қилади. Чунки аввал мижоз банк таклиф этаётган хизмат турларини ўз эҳтиёжларига мослаштириши керак эди.

Ходимларни ишга жалб этишда ҳам алоҳида ёндашув қўлланилди. Дастлаб очик танлов эълон қилинди, унинг натижаларига кўра энг яхши мутахассислар танлаб олинди, бунда мижозларнинг банк ходимлари фаолияти тўғрисидаги ижобий фикрлари ҳам инобатга олинди. Марказ очилишидан аввал барча ходимлар махсус ишлаб чиқилган ўқув дастури бўйича тренингдан ўтди. Унда жамоада ишлаш қобилияти, сотиш кўникмалари,

компьютер дастурларини билиши ҳисобга олинди, шунингдек, мулоқот психологияси курсларида ўқитилди. Ходимларни танлашда уларнинг мижозларга бўлган ижобий муносабати ва меҳнатқашлиги муҳим мезон сифатида белгиланди.

Фронт-офис тизимлари ва жараёнлар самардорлигини ошириш бўйича талай ишлар бажарилди, тизимда хизмат кўрсатишнинг янги форматлари жорий этилди. Буларнинг барчаси келажакда мижозларнинг навбат кутиш вақтини қисқартиришга, операцияларни соддалаштиришга, ходимларнинг ишини оптималлаштиришга ва мижозларга қулайлик яратиш учун энг яхши технологиялардан фойдаланишга олиб келади.

Шунингдек, таъриф буюрувчиларнинг барча саволлари офисга бир марта таърифи давомидеяк ечилишига имконият яратилди. Банк жамоаси ушбу янгилекларнинг натижаси мижозлар билан мулоқот сифатини яхшилаш, ишонч муҳитини яратиш ва истеъмолчилар учун молиявий масалалар ҳамда банк операциялари бўйича ўз вақтида хизматлар ва кенг қамровли маслаҳатларни беришда асқатади, деб умид қилади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Муҳтарам юртдошларимизни
Янги – 2021 йил
билан чин дилдан қутлаймиз!
Янги йилда барчангиз
улкан зафарларга эришингизга
тилабдормиз!
Саломатлик ва хотиржамлик
осоло сизни тарқ этмасин, азизлар!

“МИКРОКРЕДИТБАНК” МАҚСАД САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ!

СИЗЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДА ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ БЎЛГАН “ОНЛАЙН ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ”НИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ушбу кредитни БХМ 50 баробаригача “МКВ Mobile” иловаси орқали 12 ой муддатга расмийлаштириш мумкин.
“Онлайн истеъмол кредити” скрининг таҳлили асосида суғурта полиси таъминоти билан оферта шартномасини тасдиқлаган ҳолда ажратилади.

Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиаллари, (71) 202-99-99 рақами ҳамда www.mkb.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

12 ой МУДДАТИ

17% ЙИЛЛИК ФӨИЗ

ФӨИЗЛАР КАПИТАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ!

1220 99895 144-60-00 www.turonbank.uz

turonbank turonbankuz turonbank

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлаб олинган тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.55 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6